

**Нафасов Д. - ТМИ, мустақил
изланувчиси**

БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

Мақолада тижорат банклари рискларини бошқаришнинг зарурлиги ҳамда асосий мезонлари назарий ва амалий жиҳатдан аниқлаб берилган.

Калит сўзлар: Банк, банк рисклари, банк акционери, капитал, даромад, фойда.

В статье изучены теоретические и практические аспекты необходимости и основные критерии управления банковских рисков.

Ключевые слова: Банк, банковские риски, акционеры банков, капитал, доход, прибыль.

The article examined the theoretical and practical aspects of the need and the basic criteria for the management of banking risks.

Keywords: Bank, banking risks, the Bank's shareholders, Capital, Income, Profit.

Бозор иқтисодиёти шароитида хом-ашё ва молия бозорларининг ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг номўтаъдил ёки беқарорлиги, шунингдек, мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсмоти ва молиявий-иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви тижорат банкларида рискларни самарали бошқариш зарурлигини келтириб чиқаради.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида кредитлар ва омонатларнинг фоиз ставкалари талаб ва таклиф асосида ўзгариб туради, шунингдек, маҳаллий молиявий муассасаларнинг фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган [1]. Бундан ташқари, бир мамлакатда рўй берган молиявий-иқтисодий муаммо бошқа бир мамлакатнинг молия-кредит соҳасига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бундай ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тижорат банкларида рискларни бошқаришга кучли эҳтиёжни вужудга келишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг такомиллашуви ва рақобатнинг чуқурлашуви ҳамда молиявий-иқтисодий муносабатларининг бошқа мамлакатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан иқтисодий интеграция жараёнларининг тезлашуви тижорат банкларида рискларни самарали бошқаришни талаб этмоқда. Банк рискларини бошқаришнинг асосий мақсади уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш қатор вазифаларни ўз ичига олади. Уларнинг асосийлари 1-расмда келтирилган.

- банк акционерлари ва мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- аҳоли ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

- молиявий йўқотишлар ва зарарларни олдини олиш ҳамда уларнинг даражасини минималлаштириш;

- банкнинг фойда даражасини ошириш ва молиявий муносабатлар бўйича мунозарали келишмовчиликларни бартараф этиш;

- иқтисодий нормативларни белгиланган меъёрларини бажариш ва тўлов қобилиятини таъминлаш.

1-расм. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг асосий вазифалари.

1-расмдан кўриниб турибдики, тижорат банклари рискларини бошқаришнинг қатор вазифалари мавжуд. Биз улардан биргина банк акциядорлари ва мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасига кенгроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, банк фаолиятини ташкил этишда зарур бўлган дастлабки капитал суммаси акциядорларнинг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Юридик ёки жисмоний шахс қўшимча фойда олиш учун банкнинг акциядори сифатида ўз маблағини киритади. Агар, ушбу маблағларни тегишли мақсадларга оқилона ва самарали жойлаштирилиши бошқарилмаса акциядор қўшимча фойда олиш имкониятдан маҳрум бўлади.

Банк мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун ликвид маблағларга эга бўлиши лозим. Банк ликвид маблағларга эга бўлиши учун мажбуриятлар ва ликвид маблағлар ўртасидаги ўзаро мутаносиблик самарали ва оқилона бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлади.


Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай фаолият ва иқтисодий муносабатларда ижобий натижага эришиш учун самарали бошқаришни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Банклар иқтисодий фанлар тизимининг асосий бўғини бўлган махсус (функционал) иқтисодий фанлар таркибидаги муҳим соҳалардан бири ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг фаолияти, шунингдек молиявий ресурслари самарали бошқаришни талаб этади [2].

Америкалик иқтисодчи Э.Рид ва Р.Коттерлар тижорат банкларининг пассив операциялари бўйича рискларни бошқариш масаласига фикр билдириб: “1980–йилларга келиб банкларда интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро сузиб юривчанлигига шароитнинг яратилганлиги ва иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви банк ликвидлигини таъминлаш ва зарур миқдорда фойдасини шакллантириш учун фақатгина банк активларини бошқариш кифоя бўлмай қолди” [3], дея таъкидлайди.

Банк рискларини самарали бошқариш уларнинг молиявий ресурслари базаси барқарорлиги ва кредит олувчи субъектларнинг тўловга қобилиятининг

мустақамлигини таъминлашга қаратилади. Шунинг билан бирга, ушбу амалиётни амалга ошириш тижорат банкларини инқироз билан юзлашиш рискинни вужудга келтириши мумкин. Шу сабабли, инқироз шароитида банклар фаолиятини самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий эътибор уларнинг рискларини бошқаришга қаратилади.

Банк рискларини бошқаришнинг зарурияти банк рискларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасини баҳолашда яққол кўзга ташланади. Бунинг учун мазкур омилларни таснифлаб ўрганиш юқорироқ самара беради. Умуман олганда, банк рискларини бошқаришга таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар қуйидаги расмда келтирилган ҳолда гуруҳлаш мумкин. (2-расм).



2-расм. Банк рискларини бошқаришга таъсир қилувчи омиллар (расм муаллиф томонидан тайёрланди).

2-расмдан тижорат банклари рискларини бошқаришни иккита, яъни ташқи ва ички омилларга ажратиш мумкинлиги кўриниб турибди. Банк рискларини бошқаришга таъсир этувчи ташқи омиллар ўз таркибига халқаро молия бозорларидаги молиявий жараёнларнинг беқарорлиги, мамлакат ташқи иқтисодий ҳамкорларининг молиявий ҳолатини ўзгариши ва мамлакатнинг ташқи сиёсатини олади.

Шунингдек, банк рискларини бошқаришнинг ички омиллари сифатида банкларнинг мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажариши, миллий иқтисодиётда ўзаро рақобатнинг кучайиши ва давлатнинг иқтисодий сиёсати кабиларни келтириш мумкин. Назаримизда, банк рискларини бошқаришга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ҳар бирининг рискларни бошқаришда алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Банк рискларини бошқаришнинг ташқи омиллари таркибига кирган халқаро молия бозорларидаги молиявий жараёнларнинг беқарорлиги омили.

Ушбу омилнинг банк рискларини бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки, халқаро молия бозорлардаги салбий ўзгаришлар, барқарор ўзгариш суръатларининг йўқотилиши ўз-ўзидан республикамиз банк тизимига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Бунга 2008 йилда кузатилган жаҳон молиявий-инқирози мисол бўла олади. Бу каби иқтисодий беқарорлик ҳолатларида банкларда депозитлари мавжуд бўлган шахслар таҳликага тушиб, ўз маблағларини тезроқ банкдан ундириш ва бошқа мулкларга қаратишга ҳаракат қилади. Натижада, банкларда актив операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурс маблағларига боғлиқ муаммолар юзага келади. Шунингдек, банк ликвидлигини таъминлаш, мижозлар ишончини қозониш учун актив операцияларга йўналтириб бўлган маблағларни ҳам муддатидан олдин қайтариб олиш чораларини кўришга зарурияти пайдо бўлади. Шу жиҳатдан, халқаро молия бозорларидаги молиявий жараёнларнинг беқарорлиги бир банк миқёсида эмас, балки бутун банк тизими учун рискларни бошқаришга таъсир қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Мамлакат ташқи иқтисодий ҳамкорлар молиявий ҳолатининг ўзгариши. Таъкидлаганимиздек, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида халқаро меҳнат тақсимоти тобора чуқурлашиши билан бирга, молия муассасалари ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар ривожланиб боради. Бунинг натижасида ҳамкор мамлакатлар ва молиявий муассасалар фаолиятида юз берадиган ижобий ёки салбий ҳолат бошқа мамлакатларнинг молиявий муассасалари фаолиятига таъсир кўрсатади. Агар бу салбий ҳолат бўлса, банк рисклари даражасини ошишига ва ўзаро ҳамкор мамлакатлар ушбу рискларни самарали бошқариш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилиши зарур бўлади. Хусусан, ушбу жараён ҳамкор мамлакатлар ўртасида инвестиция, кредит, депозит, валюта муносабатлари бўйича амалга ошириладиган операцияларда намоён бўлади. Ташқи иқтисодий ҳамкорлар молиявий ҳолатининг ўзгариши уларнинг манфаатларини амалга ошмаслиги рискни вужудга келтиради. Инвестиция киритувчи ёки ташқи ҳамкорнинг молиявий ҳолатини салбий томонга ўзгариши банкларда турли даражадаги рискларни вужудга келтириши мумкин. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий муносабатларни ўрнатишдан олдин тижорат банклари ҳамкор мамлакатлар молиявий муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил этиш, шу билан бирга, иқтисодий муносабатлар ўрнатилгандан кейин ҳам доимий мониторинг ишларини амалга ошириб бориши зарур бўлади.

Мамлакатнинг ташқи сиёсати омили. Мамлакатда олиб бориладиган ташқи сиёсат унга ташқаридан кириб келадиган инвестициялар ва пул оқимлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, мамлакатда солиқ ва божхона тизимида, қолаверса банк тизимида имтиёз ва имкониятлар яратилиши хориждан кириб келувчи инвестициялар оқимини янада оширади.

2-расмдан кўриниб турибдики, тижорат банкларида рискларни бошқаришнинг ички омилларининг асосийларидан бири, банкларнинг мижозлар олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш омили ҳисобланади. Маълумки, тижорат банклари молиявий ресурсларнинг деярли 85-90 фоизи инвесторлар, кредитор банклар, мижозлар ва бошқа субъектлардан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. Бу ўз навбатида,

банклар томонидан инвесторлар, омонатчилар, кредитор банклар ва мижозларининг биринчи мурожаатидаёқ улар олдидаги мажбуриятларини бажара олиши, нафақат уларнинг ушбу банкка нисбатан ишончи ортаётганлигини, балки, банкнинг мажбуриятлари билан боғлиқ рискларни олдини олаётганлигини билдиради. Мажбуриятлар билан боғлиқ рисклар эса ўз навбатида, банк томонидан мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлалигича бажара олмаслик эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда юзага чиқади.

Миллий иқтисодиётда ўзаро рақобатнинг кучайиши. Миллий иқтисодиётда ўзаро рақобатнинг кучайиши иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғидаги иштирокчи субъектини ўзига жалб қилади. Шу жумладан, иқтисодий тармоқларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар ўз рақобатбардошлигини таъминлашни талаб этади. Бу рақобат муҳитида эса мижозларни жалб қилиш бўйича банклар томонидан қатор имтиёзли шартлар таклиф этилади. Тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар таклиф этилишининг ортиши банк рискларига тўғри пропорционал бўлиб, уларнинг ортиб кетиши рискларни бошқаришдаги қийинчиликларни юзага келтиради.

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати. Тижорат банклари рискларни бошқаришда мамлакатнинг иқтисодий сиёсати бевосита ва билвосита таъсир этади. Бевосита таъсири сифатида иқтисодиётда бозор механизмлари ҳисобланган рақобат, талаб ва таклиф, танлов ва бошқаларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу механизмлар ичида рақобат механизми тижорат банкларида рискларни бошқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, маҳаллий молия-кредит муассасалари ўртасида рақобатнинг тўлиқ таъминланганлиги, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва рискларни бошқаришнинг шаффофлигини ошириш билан бирга, аҳоли ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиш даражасини яхшилашга ундайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятдан олинadиган иқтисодий манфаатдорлик тегишли мезонлар асосида аниқлангани каби, банк рискларини бошқаришнинг натижаси ҳам тегишли мезонлар асосида баҳоланади, уларнинг асосийлари қуйидаги расмда (3-расм) келтирилган.

3-расмда тижорат банклари рискларини бошқаришнинг қатор мезонлари келтирилган. Хусусан, банк рискларини бошқаришда банк актив операцияларининг пассив операцияларга мутаносиблигини таъминланиши, рискли операциялар бўйича кўзда тутилган даромадни олиш имкониятининг мавжудлиги, муаммоли кредитлар ҳажмининг белгиланган меъёрларини таъминланиши, йўқотилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун зарур захираларни шакллантирилганлиги, рискли активлар ва барқарор молиявий ресурслар ўртасидаги мутаносибликни таъминланиши кабилар ушбу мезонларнинг асосийлари ҳисобланади. Демак, тижорат банклари молиявий ресурслари ҳолати ва фаолиятининг натижалари ушбу мезонлар доирасида таъминланган бўлса уларнинг ресурсларини бошқариш самарали йўлга қўйилган деган хулоса чиқариш мумкин бўлади.



3- расм. Банк рискларини бошқаришнинг мезонлари (расм муаллиф томонидан тайёрланди).

Албатта, Марказий банк банк рискларини пасайтириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда қатор иқтисодий нормативларни жорий этган. Хусусан, тижорат банкларининг кредитлар билан боғлиқ rischi Марказий банк томонидан 2015 йил 13 июнда тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом[4] га асосан бешта гуруҳга таснифланади. Жумладан, стандарт, субстандарт, коникарсиз, шубҳали ва умидсиз гуруҳларга таснифланади.

Бундан ташқари, банк рискларини олдини олиш ва пасайтириш мақсадида Адлия вазирлигидан 2015 йил 5 августда 2707-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисида”ги Низом [5]га асосан қуйидаги меъёрлар белгиланган (1-жадвал):

1-жадвал

Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига ўрнатилган кредитнинг энг юқори миқдори.

№	Операциялар номи	Ўрнатилган меъёр
1.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори миқдори	1-даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.
2.	Таъминланмаган кредит ва факторинг операциялари таваккалчиликнинг энг юқори миқдори	1-даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги керак
3.	Банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми	1-даражали банк капиталининг 8 баробаридан ошмаслик лозим

Тижорат банклари рискларини бошқариш зарурлиги ва уларнинг мезонлари юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва ишланмаларни шакллантирдик:

-бозор иқтисодиёти шароитида банк рисклари оқилона, самарали ва шаффоф бошқармасдан уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва фойдасини шакллантириши имконияти мавжуд эмас;

-банк рискларини бошқаришнинг кўрсаткичи сифатида қатор мезонлар ишлаб чиқилди, уларни амалиётга жорий этилиши банк рисклари хавфсиз даражада эканлигидан далолат беради;

-Марказий банк жорий этган иқтисодий нормативлар банк рискларини пасайтириш ва хавфсизлигини таъминлашнинг бевосита усуллари бўлиб, банкларнинг молия бозорларида юз бераётган ўзгаришларга мослашиш орқали нормативларни бажариш анча вақт талаб қилади;

- мамлакатимиз тижорат банкларида рискларни бошқаришда асосий натижаси сифатида ишлаб чиқилган мезонларни амалиётда кенг жорий этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида банк рискларини бошқариш ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг талаби бўлиб, рискларни бошқариш натижаларнинг ижобий ёки салбий ҳолатда эканлиги қатор мезонлар асосида баҳоланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Грюнинг Хван, Брайович Братанович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском /Пер. С англ.; вступ. слова д.э.н. К.Р.Тагирбекова –М.: Издательство “Весь Мир”, 2003.

2. Диана Мак Нотон. Банковские учреждение в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. -Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк, 1994. Т.1.

3. Рид Э., Коттер Р., и другие. Коммерческие банки. Пер. с англ. под ред. Усоскина В.М. 2-е издание. – М.: Космополис, 1991.

4. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

5. “Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп микдорлари тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигидан 2015 йил 5 августда 2707-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).